



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
25 июль
ЧОРШАНБА
№ 58
(12.486)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ТАҚДИРИМсан, БАХТИМсан, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

ҒАЛЛАСИ МЎЛ, ҒЎЗАСИ ЗЎР ФЕРМЕР

Истиклол йиллари мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ғалла мустақиллигига эришиш йўлида залворли қадамлар ташланди. Бу ислохотларнинг ҳаётий самараси ўлароқ, мамлакатимиз ғаллага бўлган ички эҳтиёжларини тўла қондириб, унинг бир қисmini ҳатто четга экспорт қилишдек салоҳиятга эга бўлди. Хусусан, жорий йилда ҳам юртимиз ғаллакор-

ларнинг фидокорона ва олижаноб меҳнатлари самараси ўлароқ, мамлакатимиз ялпи дон хирмони етти миллион бир юз етмиш минг тоннадан ошиб кетди. Бу давлатимиз раҳбарининг ўтган ҳафта сўнгида Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригида қайд этилганидек, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида, ҳеч шубҳасиз, янги саҳифа бўлди.



Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Кубонарлиси, бу йилги мавсумда, вилоятимиз ғаллакорлари ҳам эл-юрт хирмонининг юксалишига муносиб хисса қўшдилар. Ғаллакорларимизнинг бу йўлдаги ғайрат ва шижоати Президентимизнинг республикамиз ғаллакорларига йўллаган табригида ҳам ўз эътирофини топти. Хусусан, мазкур табрида Қуйи Чирчиқ туманидаги "Акбархон-Баҳодирхон" фермер хўжалигининг номи юртимиздаги бир гуруҳ илгор фермер хўжаликлари қаторида санаб ўтилгани, ҳеч шубҳасиз, нафақат маъzur хўжалик деҳқонлари, балки бутун вилоятимиз ғаллакорларининг ҳалол ва фидойи меҳнатларига берилган юксак баҳодир, десак янглишмаймиз.

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, фермерлик ҳаракатининг қўллаб-қувватланаётгани, қишлоқ мулкдорларининг эмин-эркин ишлаши учун қўлайликлар яратилаётгани ўз самарасини бераёпти. Бунга Қуйи чирчиқлик тажрибали деҳқон Баҳодирхон Аҳмедов бошчилик қилаётган фермер хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Жамоа жами 81 гектар майдонда хўжаликнинг туپроқ, сув ва

иқлим шароитига қараб, ғалланинг "Замин" ва "Анджон-4" навларини етиштирган эдилар. Меҳнат ва тажриба самараси ўзини кўп куттирмади. Табиат инжиқликлари деҳқонларни минг бир синовдан ўтказмасин, уруғлик, минерал ўғит, сув таъминотининг оқилона изга солиниши, парвариш даврида асосий эътибор агротехника тадбирларини оби-тобида қўллашга қаратилгани, сугоришда кўпроқ аънавий услублар қўлланилиб, экин обдон маҳаллий ўғитга қондирилгани, бир сўз билан айтганда ғалла майсаларининг қалин туллаб, бақувват илдиэ отишига имкон яратилгани муваффақиятлар омили бўлди.

— Ялпи ҳосилимиз 640 тоннадан, ўртача ҳосилдорлик эса 80 центнердан ошди, — дейди фермер. — Ғалламизнинг 60 фоизидан кўпроги хўжалигимиз ихтиёрида қолди. Дастлабки ҳисоб-китобимиз бўйича ғаллачиликдан оладиган соф фойдамиз 150 миллион сўмдан ошаёпти.

Экин деҳқон меҳридан яшнайдими, дейишади. Рост гап. Биноба-

СУРАТДА: фермер Баҳодирхон Аҳмедов экин ривожидан мамнун.

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ XXI СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXI сессияси 2012 йил 3 август куни соат 10.00 да вилоят ҳокимлиги катта мажлислар залида чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар муҳокама этиш учун киритилсин:

КУН ТАРТИБИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096 ҳамда 2009 йил 1 июлдаги ПҚ-1144-сонли қарорлари бўйича аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, туғиш ёшидаги аёлларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш, эрта турмуш қуришни ва воғга етмаганлар ўртасидаги туғуруқни ҳамда оналар ва гўдақлар ўлимининг олдини олиш ва камайтириш борасидаги амалга оширилаётган ишларни ўрганиш натижалари тўғрисида.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1167-сонли қарорининг ижроси юзасидан вилоятда амалга оширилган ишлар тўғрисида "Қишлоқ қурилиш инвести" ИК раҳбарининг ҳисоботини тинглаш.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасида баён этилган Концепциянинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг "Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари" бўйича доимий комиссияси томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1542-сонли қарорининг бажарилиши тўғрисида.

2.5. Фуқаролик ҳолати даволанмаганларни ёзиш органлари фаолиятини тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида.

2.6. Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш тўғрисида.

2.7. Шаҳар ва туман хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти ва амалга оширилган чора-тадбирлари ҳамда муаммолари тўғрисида вилоят хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси бошқарув раиси З. Мўминовнинг ҳисоботи.

2.8. Ташкилий масалалар.

Вилоят ҳокими
2012 йил 24 июль.

Р. ХОЛМАТОВ.

ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ

«ПАХТАЗОР»ДА «ПАХТАКОР» ИЗДОШЛАРИ

Президентимизнинг "2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги

Бу йилги мусобақаларда вилоятимизнинг 1071 та маҳаллаларидан 11-12, 13-14, 15-16 ёшли жами 68437 нафар болалар иштирок этишди.

Олмалик шаҳри, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Қибрай туманларидаги футбол майдонларида ўтган маҳалла-

лараро, туман, шаҳар босқичларида муваффақият қозонган жамоалар финал босқичига йўллангани қўлга киритдилар.


"Футболимиз келажаги"нинг вилоят босқичи Қуйи Чирчиқ туманидаги "Пахтазор" маҳалласининг спорт мажмуасида ўтказилди. Унда Ангрен шаҳри, Қуйи Чирчиқ, Урта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманлари жамоалари ўзаро беллашдилар.

Яқуний натижаларга кўра, 1-ўрин, ўйинга мезбонлик қилган "Пахтазор" маҳалласи жамоасига насиб этди. Урта Чирчиқ ша-

рафини ҳимоя қилган Шаҳрафуддинов маҳалласи жамоаси 2-ўрин, Ангрен шаҳрининг Турум жамоаси 3-ўринга лойиқ топилди.

Ғолибларга "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан медаллар ҳамда вилоят кубоги топширилди. Шунингдек, ташкилотчи ва ҳомиёларнинг қимматбахо совғалари ҳам ўз эгаларини топти.

Илмира ҚУРБОНОВА.



ҚИБРАЙ ТУМАНИ

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ёнорик қишлоғининг "Қурилиш" маҳалласида истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга бағишланган йилги сўз бўлиб ўтди.

Унда туман фаоллари, маҳалла аҳли ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вакиллари иштирок этди.

Давра сўхбатада "Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти тушун-

тирилди. Шунингдек, бу боладаги ҳуқуқий маданиятни ошириш, истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, тиклашда жамоатчилик иштирокчини кенгайтириш хусусида сўз борди.

Мақсуда НОРБОНОВА.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

ТЎҚҚИЗ БОКСЧИГА БИРИНЧИ ЎРИН

Транспорт ва иқтисодий касб-ҳунар коллежида спортнинг бокс тури бўйича мусобақа ўтказилди.

Унда Жиззах, Қўқон, Ангрен, Олмалик, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Қибрай, Юқори Чирчиқ туманларидан вакиллар иштирок этди. Туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳара-

кати сайёҳаракатлари билан ташкиллаштирилган мусобақа мезбонлик қилган Юқори чирчиқлик боксчиларнинг 9 таси 1-ўринни эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга ҳомиёлларнинг қимматбахо совғалари топширилди. Ирода МАҚСУД қизи.

АНГРЕН ШАҲРИ

ЮЗ ФОИЗ ЭКСПОРТГА

Шаҳардаги саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес субъектлари томонидан ўтган йил давомида жами 8 миллион 127 минг АҚШ долларилик маҳсулот ва хизматлар экспортни амалга оширилган эди.

Худуд саноатчи ва тадбиркорлари жорий йилда бу натижани янада салмоқлаштириш пайида бўлмоқдалар. Бу борада ўтган йил сўнгида иш бошлаган "Accord textile" маъсуляти чекланган жамияти фаолияти ҳам самарали бўлаётди. Мазкур корхонада ҳозир 30 турдан зиёд тайёр тўқима-

чилик маҳсулотлари тайёрланиб, тўлалигича экспортга йўналтириляпти. Айни пайтда хорижлик шериклар ишлаб чиқариш ҳажминини янада кенгайтириш учун қўшимча лойиҳаларни молиялаштирмоқда. Бу билан корхонадаги иш ўринлари сони 300 тадан ошади. Шерзод АЛИЕВ.

ТАНЛОВ

ЭЛНИНГ НАЗАРИДА ЮРИБ, ҲУРМАТ ТОПМОҚ БАХТИ

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси доирасидаги борча сайёҳаракатларида ўзини ўзи бошқариш идоралари, маҳаллалар йиғинлари фаолиятининг ўрни алоҳида. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳит бар-

по этишда маҳалла ва хотин-қизлар ташкилотларининг ролини ошириш доркор. Бизда фуқаролик жамиятининг икки асосий бўғини – бу маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталари бўлиб, улар ўзаро уйғунликда ҳаракат қилишлари керак".



Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи" кўрик-танловининг вилоят босқичи, дарҳақиқат, маҳалла ва хотин-қизлар, шу-

нингдек, "Камолот" ЕИХ, ички ишлар, диний идоралар бўлимлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги ўзаро уйғунликда олиб борилаётганини яна бир бор исботлади. Вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидан келган 18 маслаҳатчининг ҳар бири чиқши, кўргазма ва ҳуж-

жарани ҳамда жамоат ташкилотларининг қуйи тизимлари билан ҳамкорлиқни мустаҳкамлашдаги маслаҳатчиларнинг қобилияти, лаёқати, маҳорати даражасини намойиш этди. Эндликда ўз маҳалласидаги ҳар бир хонадон, ҳар бир оиланинг яқин дўсти, маслаҳатчиси мақомини удралаётган маҳалла фаоллари, жонқурлари бўлган оқила, зукко аёлларимиз сафи ортб бораётгани ҳам айтиш ҳақиқат.

Юртбошимизнинг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эса, айниқса, маслаҳатчи аёлларнинг кўнглини кўтариб, фаолиятларига жўшарлик бағишлади. Ўзига хос тантана, шодӣнага айланиб кетган танловнинг ташкилотчиларидан бири "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Зулхумор Жураеванинг таъкидлашича мазкур тадбирга тайёргарлик жараени осон кечмади.

— Барча жамоат ташкилотлари, хусусан хотин-қизлар кўмиталарининг ҳамкорлиги яхши самара берди, — дейди у. — Ўз вақтида маслаҳатчилар фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатлар, видеороликлар, стендларни кузатиб,

уларни ҳолис баҳолаш имкониятига эга бўлдик...

Ҳақиқатан ҳам, аёллар, хотин-қизлардаги фидойилик, самимият, иштиёқ, ўз бурчига масъулятилик фазилатлари маҳалла ҳаётида муҳим ўрин тутаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла фаолиятининг аҳолининг ишончини орттириб, ҳурмат-эътиборга сазовор этмоқда. Қайсики, уларнинг ўзлари аввало ҳар қандай вазиятни тўри баҳолаб оладиган илм-маърифатли, мулоҳазали инсон сифатида шахсий ибратдир.

Танлов давомида маҳалла маслаҳатчиси деган шарафли номни ўз маҳоратлари билан ҳимоя қилган ҳар бир иштирокчи томошбинларда катта таассурот қолдирди. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир маҳалланинг юзи, маънавий кифаси, тимсоли бўла оладиган, ўз номи билан диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳат бера олишга қодир аёллар жамият тараққиётига дахлдор. Шу маънода кўрик-танловга жиддий тайёргарлик қилган, фаолиятига доир маълумотлари, ҳужжатлари ҳам пишқи-пухта маслаҳатчилар кўпчилиқни ташкил этаётгани қувонарли.

(Давоми 2-бетда).

2012 йил учун

ОБУНА

давом этмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

газетаси индекси – 205.



2012 йил - МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

КАТТА ХОНАДОН ИБРАТИ

Инсон ҳаёти узун ва машаққатли йўлга қиёсанс, албатта, бунда ўзига хос бекатлар бўлади. Умри давомида бошқаларга наф келтирган, ўзидан ортиб кўпнинг дуосини ола биланларнинг эса борган манзиллари том маънода эзгулик бекатлари деб аталади.

Чинозлик Мираҳмад Давроновнинг умр йўли ҳам яхшиликларга лиммо-лим. У киши қаерда, қайси лавозимда ишлаганини, фақат яхшиликни эслаб ўшади. Мираҳмад ака Қорақалпоғистоннинг Кегайли, Чиноз туманларидаги пахта тозалаш заводларида, шу туман ижроия кўмитаси масъул котиби лавозимида, вилоят болалар махсус интернатида ишлаган чоғларида ҳам фақат яхшиликни эслаб ўшади. Шунинг унун бўлса керак, қариган чоғида умри давомида қилган яхшиликларини мевасидан баҳраманд бўляпти. Аввало, инсоннинг оиласи тинч бўлсин экан. Мираҳмад ака турмуш ўртоғи Анобар ая билан тўрт қиз, бир ўғилни тарбиялаб, юртимизнинг фидойи, камтарин фарзандлари сафига қўшганликларини билан фахрланадилар. Оилани тўнғич фарзанди Зулхумор Олмазор касб-хунар коллежида ўқитувчи, унинг турмуш ўртоғи Абдурашид тadbиркор. Фарҳоджон эса "Чиноз текстиль" қўшма корхонасида цех бошлиғи бўлса, рафиқаси Наргизахон ҳамшира, Ни-

лужархон ҳамшира куёви Шухратхон фермер, Саодатхон тикувчи ҳамфикири - куёви Нодирхон тadbиркор, Камолатхон ҳамшираю турмуш ўртоғи Шавкатхон тadbиркор. Бу оилادا беркоти инсонни учратмай-сиз. - Мираҳмад акани туманимизнинг етти ёшидан етмиш ёшигача яхши танийди, хурматинон жойига қўяди, - дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси Абдуразоқ Отажонов. - У киши ҳаётда кўпни кўрган, яхши-ёмонни ажрата оладиган пири бадавлат инсон. Мираҳмад ака оиласидан тинган. Турмуш ўртоғи Анобар ая билан кўша қариб, эл-юрт эътиборини қозонганлардан. Шунинг учун ҳам туман ахли Мираҳмад Давроновни "Нуроний" жамғармаси туман бўлими раислигига сайлаб аниқлашди. У киши билан биргаликда ишлаётганимизга икки йилдан ошди. Миллий урф-одатларимизни ёш авлод оғнига чуқурроқ синдириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслиги ҳақидаги қарашларини мустаҳкамлаш, томорқалардан оқило-

лар кўрсатиш, аҳолини юқумли касалликларга қарши иммунизациялаш ва эмлаш, ижтимоий аҳамиятга эга ва атрофдагилар соғлиғига ҳавф тугдирувчи сил, ҳафли ўсма, руҳий, наркологик, эндокринологик ҳамда касб касалликларига дучор бўлган шахсларга ихтирослашган тиббий ёрдам кўрсатиш, болаларни текширувдан ўтказиш ва даволаш (пулик муассасалардан тиббий ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлинида ва бир қатор давлат даволаш-профилактика муассасалари, биринчи навбатда қишлоқ жойларидаги тиббиёт муассасаларида тиббий хизмат



ЙЎЛИНГ СОЗ, МАШАҚҚАТИНГ ОЗ

Вилоятимизда ички йўлларни таъмирлаш ишлари шаҳар ва туман ҳокимликларининг ободонлаштириш бўлимлари томонидан амалга оширилмоқда. Жорий йилда бу ишлар учун

Бу борада вилоятнинг Олмалик шаҳрида ҳам бир қатор хайри ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда шаҳарда 190 кўча мавжуд бўлиб, ички йўлларнинг умумий узунлиги 128 километрдан ортди. - Урганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йиллар давомида ички йўлларга етарлича аҳамият берилмаган сабаб, уларнинг кўпи таъмирталаб аҳволга келиб қолган, - дейди Олмалик шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Али-

шер Масидиков. - Жорий йилда 3 та кўчанинг йўллари тўлиқ таъмирдан чиқарилиши режалаштирилган. Бу мақсадлар учун Республика йўл жамғармаси ва маҳаллий бюджетдан 181 миллион сўмдан ортдиқ маблағ ажратилди. Айни кунларда танлов савдолари ўтказилиб, пудратчи ташкилотлар билан шартномалар имзоланиб, таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

СУРАТАЛАРДА: 1) чапдан геодезист Музаффар Худойбердиев, мастер Фарҳод Шорустамов, Олмалик шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Алишер Масидиков, бригадир Бахтиёр Файзиев, таъмирчи Шухрат Ризаев. 2) Таъмирчилар Элдор Умаров ва Нодирхон Абдурахмонов. 3) Умумий кўриниши. **Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

ЮМУШИ ТУГАМАГАН АЁЛ

Юкори чирчиклик Нилуфар Аширралиева чеварликка болалигидан қизиққан. Кўгирчоқларига бежирим кийимлар тиккан қизалоқ келажакда чевар, мохир тикувчи бўлишни кўччилик башорат қилди. Лекин ўйлаб шогирдларга устоз бўлиб, катта тadbиркорликнинг бошини тутиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Нилуфар дехқон оиласида дунёга келди. Тўнғич фарзанд эмасми, ую юмушлари, укаларига ғамхўрлик қилиш, дала, ош-овқат, супур-сидир ҳаммаси унинг зиммасида эди. Болаликдан турмуш қийинчиликлари, сертавиш синовлардан ўтгани унун тadbиркорликнинг машаққатларидан асло қўчимади. Ички бозорда махсусломим ўз ўрнига эга бўладими, деган хаёл уни ҳеч ҳам мақсадидан қайтара олмади. Ақинча, ўзини тазорқ унглашга, яхшироқ натижаларга эришишга ундади. - Салкам 20 йилдан бунён чеварлик билан шуғулланаман, - дейди Нилуфар Аширралиева. - Дастлаб, икки киши билан иш бошлагандим. Ушанда биттагина тикув машинаси бўларди. Бугун эса улар сони 15 тага, тикувчи қизлар сафи эса 10 тага кенгайди. Хар бир аёлнинг юрагида ботиний қувват, тафаккурида истеъдод бўлади. Гап уни ишга сола олишда. Бирок, у ўз номи билан - аёлда.

Қийин дамларда ортга қайтиш истаги бўлганми, дея сўраганимизда қаҳрамонимиз шундай жавоб қилди: - Албатта. Аёлга айниқса қийин. Тонг еришмай уй-ғонган аёлнинг хуфтонгача юмуши тугамайди. Шундай кезларда, ишдаги тушунмовчиликлар, қийинчиликлар оғирлик қилади. Озгина эътибор, маънавий рағбат кирфос. Оила аъзоларимга таянишим, ишончим мумкинлиги хар гал мени ортга қайтарарди. Шу-шу ишладда, изланишда давом этдим. Шуқри, кам бўлмадим. Ишни йўлга қўйишимда туман "Хунарманд" уюшмасининг ҳам моддий, ҳам маънавий кўмаги катта бўлди. Уларнинг саёй-ҳаракатлари билан ишим янада кенгаймоқда. - гапида давом этди у. - Бугунга келиб, ёш мавсумида ойига 5 мингта, қишда эса 3 мингтагача кийим-кечаклар тикш қувватига эгамиз. Рўзгорини бутлаш, фарзандларини ҳеч нарсасга муҳтож қилмай воёга етказишни саодат деб билган Нилуфар Аширралиеванинг режалари улкан. Яқин келажакда катта бир цех очиш, маҳалласидаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш ниятида. Чунки у оила ва жамиятда иккисоний тинч бақувват бўлса, ҳаёт янада фаровон кеначди деб ҳисоблайди. **Ирода НОРБОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида "Сифатли тиббий хизмат: унда қим қандай имтиёзга эга? Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида бепул ва пулик хизмат кўрсатиш тартиб-қоидалари ҳақида" мавзuida матбуот анжумани ўтказилди. Унда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни асосан давлат даволаш-профилактика муассасаларида аҳолига қабулланган тиббий ва бошқа турдаги ёрдамлар бепул кўрсатилади. Қабуллангандан ташқари хизматлар белгиланган тартибда пул тўлаш орқали амалга оширилади. "Соғлиқни сақлаш тизимини

юқумли касалликларга қарши иммунизациялаш ва эмлаш, ижтимоий аҳамиятга эга ва атрофдагилар соғлиғига ҳавф тугдирувчи сил, ҳафли ўсма, руҳий, наркологик, эндокринологик ҳамда касб касалликларига дучор бўлган шахсларга ихтирослашган тиббий ёрдам кўрсатиш, болаларни текширувдан ўтказиш ва даволаш (пулик муассасалардан тиббий ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлинида ва бир қатор давлат даволаш-профилактика муассасалари, биринчи навбатда қишлоқ жойларидаги тиббиёт муассасаларида тиббий хизмат

ЯНГИ ЛОЙИҲА АМАЛДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан интерактив хизматлар кўрсатиш технологияларини яратиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар (ID.UZ, DESK.UZ, E-kommuna.uz)га бағишланган тadbир бўлиб ўтди. Тadbирда ахборот-коммуникация технологияларини ривожланиши ва уларнинг ҳаётда кенг қўлланилиши кейинги йилларда бутунжаҳон ҳамжамияти таракқиётининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътироф этилаётгани таъкидланди. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу борада замонавий лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани эътироф этилди. **"Туркитан-пресс".**

«КОР ТАРМОҚЛИ ҚОՇИМАС МУЛК САВДО» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади Аукцион савдосига такоран Хамза тумани СИБ томонидан тақдим қилинган 25.07.2011 йилги 21430/4-сонли бираштирилган ижро ҳужжати асосан қарздор "UMUM QURILISH SERVIS" XICQKга қарашли, бошланғич нархи - 1 137 815 000 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, О. Зокиров кўчаси, 85-уй манзилидаги, жами майдони 10441 кв. м. ер майдонда жойлашган жами 523 кв.м.да жойлашган 4 та бино (блок 1-қорувулхона биноси 14 кв.м., блок 2-ёрдамчи бино 23 кв.м. шийпон майдони 13 кв.м., блок 3-бок биноси 42 кв.м., блок 4-маъмурий бино 431 кв.м.) қўйилмоқда. Аукцион савдосига 2012 йилнинг 10 август кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КОР ТАРМОҚЛИ ҚОՇИМАС МУЛК САВДО" МЧЖнинг АТИБ "Ипотек банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосиди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

«Tashkent Realtor Service» МЧЖда 2012 йил 17 июлда бўлиб ўтган аукцион савдосида Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган 8,2 га ер майдонидаги 10460 дона Топпи, Қирмизи навли 25 ёшли узум қўчатлари ва 114650 метр сим, узунлиги 3 м бўлган 3564 дона темир-бетон устунларидан иборат кўчмас мулк бошланғич баҳоси - 17 000 000 сўм қилиб белгиланиб, 17 800 000 сўмга сотилгани маълум қилади. Лицензия RR-0008.

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ! Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такоран қўйилмоқда: Зангиота тумани СИБ томонидан: 1. № 7440/10-сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. "Урал М 6736", д/р. б/н автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 104 978 сўм. 2. № 8656/10-сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. "УАЗ 452", д/р. 10 Н 924 АА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 920 217 сўм. 3. № 856/11-сонли ижро ҳужжати асосан "Ваз 2106", д/р. б/н автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 358 000 сўм. 4. № 4153/11-сонли ижро ҳужжати асосан 1988 й. и/ч. "Урал-М-67", д/р. б/н автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 637 178 сўм. 5. № 4154/11-сонли ижро ҳужжати асосан "Газ 69", д/р. б/н автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 1 028 256. 6. № 4155/11-сонли ижро ҳужжати асосан "Газ 24", д/р. 11 К 4236 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 1 447 845 сўм. Юқоридаги автотранспорт воситалари Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Саидумар Абдуллаев" МЧЖ омборхонасида сақланмоқда. 7. № 8676/10-сонли ижро ҳужжати асосан "УАЗ 452", д/р. 10 Д 7845 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 993 712 сўм. 8. № 8559/10-сонли ижро ҳужжати асосан 1976 й. "Москвич 412", д/р. 11 Т 3707 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 629 714 сўм. Юқоридаги автотранспорт воситалари Тошкент вилояти Зангиота тумани "Бурхон Савдо" МЧЖ омборхонасида сақланмоқда. 9. № 2525/12-сонли ижро ҳужжати асосан "Газ 2401", д/р. У 5982 ТШ автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 726 000 сўм. Юқоридаги автотранспорт воситаси Тошкент вилояти Зангиота тумани "Кў-

ситаси Урта Чирчиқ тумани, Истиклол қ.ф.й.да сақланмоқда. Савдога Зангиота СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 1. № 322/12-сонли ижро ҳужжати асосан "Камаз-53212", д/р. б/н булган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 14 159 000 сўм. Юқоридаги автотранспорт воситаси Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Кўк-Терак Матбуот Инвест" МЧЖ омборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 27 август кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 27 август кунини савдода сотилмаган тақдирда, маъзур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такорорий савдо 2012 йил 11 сентябрь кунини бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонасининг АТИБ "Ипотек банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИИН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Бел.: 266-80-76.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2012 йил 23 июлдаги **36-Баённомасининг қарори билан қуйидаги:** **Зангиота туманидаги «BUYUK-TURON-TRANS» МЧЖга тегишли:** - "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2008 йил 19 июнь куни берилган "АТ" серияли 000082, "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2010 йил 10 ноябрь куни берилган "АТ" серияли 000319 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 23 июндан бошлаб тикланганлиги тўғрисида маълумот беради.

Юнусобод тумани ТСРҮИ томонидан 06.01.2010 йилда гувоҳнома рақами 1007021 рақами билан рўйхатдан ўтган ЯТТ "Ibadullayeva Magolda Saatbayeva"га тегишли булган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.** Учтепа (аввалги А. Икромов) тумани ҳокимлиги ижроия маҳкамаси томонидан 14.08.2000 йилда 01-00903 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "KAROGROV" хусусий қилич корхонасининг номи "ADDIKA" ва ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгартириш маълум қилади. Учтепа тумани ТСРҮИ томонидан 09.04.2009 йилда 002806-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "AZIZBEK LYUKSAVTO" масъулияти чекланган жамиятига (ИИН 301134464) тегишли булган гувоҳнома ва устай йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.** Юнусобод туманидаги хусусий тadbиркор "AZIZOV UMIDJON OMONULLAEVICH" номига берилган гувоҳнома, думалоқ муҳр ҳамда тузилмач тамга йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.** Утеранный аттестат о среднем образовании Б № 911674, выданный в 1979 году средней школой № 101 Чиланзарского района г. Ташкента на имя Проскуриной Марины Николаевны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.** Утеранный диплом № 207938, выданный в 1998 году Ташкентским Государственным техническим университетом на имя Бичкиной Натальи Александровны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.** Адвокатское бюро "ADVOCATUS-DEFENSIO" (ИИН 207132624), зарегистрированное управлением юстиции г. Ташкента за № 091511 от 12.10.2011г., расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Заргарлик, Катта Хирмонтепа, дом 10-А, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления. "SAMANTA-BUILD-SERVICE" МЧЖга (ИИН 301567883) тегишли булган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.** Утеранный гувоҳнома реестр № 003522-01 от 05.02.2010г., выданную хокимством Учтепинского района № 003522 на ООО "MAX-COLOR", **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.** ЧП "ARGAMAK" Сергелийского района г. Ташкента (ИИН 302328790) преобразуется в ООО "ARGAMAK". Претензии принимаются по тел.: 350-11-77. Утеранное "Свидетельство о регистрации предприятия" за № 000098 от 7 июля 1995г., выданное Министерством юстиции РУз на АОТ СП "ОЭМ3-2", **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент вилояти Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси қўмитанинг Ахборот таҳлилий маркази бошлиғи, қасаба уюшмаси раиси Рустамжон Тулаганова волидаи мухтарамаси **Махсума ТУЛАГАНОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Куала-Лумпур шаҳрида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти намойиш қилинди. Малайзия сайёҳлик компаниялари ва ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари бўйлаб тайёрланган "Мега-инфотур" дастури тақдим этилди.

МАЛАЙЗИЯДА ТАҚДИМОТ

Иштирокчилар ўзбек халқининг тарихий-маданий ёдгорликларини қайта тиклаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар, Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасининг ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш ва модернизациялаш жараёни ҳамда соҳа учун малакали кадрлар тайёрлашдаги ютуқ ва режалар билан аққондан танишишди. "Туркистон-пресс".

РИЗВАН ЕВРООСИЁ ЧЕМПИОНИ

Ҳукуматимиз томонидан болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Бунинг натижаси ўлароқ бугун ёш спортчиларимиз жаҳон ареналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Олмаликлик Ризван Аҳмедов ҳам спортнинг жанговар турлари билан 9 йилдан буён мунтазам шуғулланиб келади. Айниқса, сўнгги йилларда комбат-айкидо тури бўйича салмоқли натижаларни қўлга киритмоқда. Жорий йилнинг 16-19 июнь кунлари Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Евроосиё чемпионатида ҳам комбат-айкидонинг уч йўналиши бўйича

рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмай, мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси сафидан уч олтин медални қўлга киритиб, мусобақа шохсупасининг юқори поғонасига кўтарилди.

Жорий йилнинг 16-19 июнь кунлари Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Евроосиё чемпионатида ҳам комбат-айкидонинг уч йўналиши бўйича рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмай, мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси сафидан уч олтин медални қўлга киритиб, мусобақа шохсупасининг юқори поғонасига кўтарилди.

лубиятга учратдим. Озарбайжонлик рақибим билан кечган жанг жудаям оғир бўлди. Аммо барибир галабани ўз томонимга оғдиришга куч топа олдим.

Бу нуфузли чемпионатда Ризван Аҳмедов сингари ёш спортчиларимиз кўрсатган маҳоратлари эвазига мамлакатимиз терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Бахтиёр Маъликков ҳам ушбу мусобақада ўз вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлди.

Хозирда Ризван Аҳмедов ноябрь ойида Францияда ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўрмоқда.



САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ ОЛАСИЗ

МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ – МУҚАДДАС

Ассалому алайкум. Мен – Усмонова Зумрад Бўка туманидаги 18-мактабда кутубхона мудираси вазифасида ишлайман. Маълумотим – олий.

Шу йил 11 апрель кuni 45 ёшга тўлганлигим ва фуқаролик паспортимни муддатли тугаганлиги учун паспорт столига бордим ва керакли ҳужжатларни тўғри топишдим. Кейин мактабга келсам, раҳбарлар Пискент туманидан комиссия келганлигини айтишди. Мени иш жойимда йўқлигимни сабаб қилиб, ҳайфсан беришди. Ҳайфсан олганлигимни сабаб қилиб, 20 фойзлик устамадан ҳам маҳрум қилишди. Шу тўғрими?

Саволга Ўзбекистон Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлимининг мудири Ориф Гайназаров жавоб беради:

Меҳнат интизомига риоя қилиш ходимнинг бурчи. Меҳнат вазибалари корхонанинг локал ҳужжатларида, жумладан ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилади. Ички меҳнат тартиби қоидалари меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, иш вақти ва дам олиш вақтидан фойдаланиш, меҳнат интизоми каби меҳнат муносабатларини тартибга солувчи метёрий ҳужжат ҳисобланади. Меҳнат интизомига риоя қилиш ходимнинг бурчи эканлиги Меҳнат кодексининг 176-моддасида белгилаб қўйилган. Ходим зарурат юзага келганда иш берувчинин бу ҳақда хабардор қилиб, унинг рухсати билан ишда бўлмаслиги мумкин. Урли сабабсиз иш жойида бўлмаслик меҳнат интизоми бузиш деб топилади ва иш берувчи томонидан ходимга нисбатан интизо-

мий жазо чораси қўлланишига асос бўлади.

Хатингизда баён қилинишича, сиз паспортингизнинг амал қилиш муддати тугаши муносабати билан уни алмаштириш учун ички ишлар бўлимига боргансиз. Бироқ, бу ҳақда раҳбарни хабардор қилмасдан, унинг рухсатисиз иш жойингизда бўлмагансиз. Яъни, сиз меҳнат интизоми бузгансиз. Шу тўғрисида раҳбар ва коллатидан келиб чиқиб, сизга нисбатан ҳайфсан жазоси қўллаган. Ушбу жараён меҳнат қонунчилиги талабларига мувофиқ амалга оширилган.

Раҳбар ҳайфсан қўлланганлигини сабаб қилиб сизни 20 фойзлик устамадан маҳрум қилган. Мактабнинг устама таяинлаш ва тўлаш тўғрисидаги метёрий ҳужжати тақдим этмаганлиги тўғрисида, ушбу масалада тартибга риоя этилган ёки этилмаганлиги ҳақида бир нарсая деяр олмаймиз.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Дунёда энг ардоқли, энг мўтабар зот, шубҳасиз, Онадир. Боиси, Она фарзандига ўз жисмидан жисм, жонидан жон беради. Гудак исини туйиш бахти насиб этмаган, тирноққа зорлар қанча? Ҳа, она бўлиш нәмъати Яратганининг буюк мўъжизасидир.

Таассуфки, орамизда Онадек буюк зот номига инсонд келтирувчи аёллар ҳам бор. Эндигина 28 ёшни қораллаган Роза Оринбоева шундайлардан чиқиб қолди. Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судида қўрилган иш тафсилотлари билан танишиб, бунга гувоҳ бўлдик.

Асли чирчиқлик Розанинг ҳаёти силлиқ кечмади. У ҳам бошқа қизлардек катта ораулар билан 2005 йилда Алишер Омоновга (исмлар ўзгартирилган) турмушга чиқди. Биргаликдаги ҳаётлари давомида бир ўғиллик бўлишди. Аммо, кейинчалик мурасалари келишмай, ажрашиб кетишди.

Одатда, бир марта турмуши бузилган аёл эсини йиғиб олишга, қадамини ўйлаб босишга ҳаракат қилади. Лекин Роза энгил йўлни танлади. У иш ёки ўқишга киришни, хунар ўрганишни истамасди. Қари, касалманд ота-онани, нора-сида боласи ҳам кўзига қўрнмади. Ҳаётини изга солиш, бахтини топиш ўрнига кайф-сафога берилди. Саёқ юришларининг оқибати тез кўнда ошкор бўлди. Роза хомилдор эди. Албатта, у хомилдани йўқотиш пайига тушди. Аммо, шифокорлар ҳомила катта бўлиб қолганини айтиб, Розани бу йўлдан қайтарди. Ой-кунни яқинлашгани сари у турли режалар туза бошлади.

Роза Оринбоева Чирчиқ шаҳридаги перинатал марказида ўғил фарзандли бўлди. Тугилиши билан чақалоқдан воз кечишни дилига тугиб, бунинг турли йўллари хаёлида пиштиб юрган Роза ҳамхонасини кўргани келган Жамилага бола кераклигини эшитди-ю, қабиҳ ниятини шу аёл орқали амалга оширмоқчи бўлди. Роза фарзандга ташна бўлиб, Эрингиз билан маслаҳатлашнинг, агар кўнса, бо-

ҳақида тилхат ёзиб берман, – деди Роза.

Жамиланинг эри Розанинг бу хатти-ҳаракати жиноят эканини сезиб, МХХ Чирчиқ шаҳар бўлимига мурожаат этди. Буни хотинига ҳам билдирмади. Сўнг-ра Роза рўйхатда турган Оққўрғон тумани ФХДБ бўлимига бориб, болага туғилганлик ҳақида гувоҳнома олди.

Туғуруқхонадан чиққан Розани Жамила ва Қобил қутиб олишди. Машинада

Тўғри, инсон ҳаёти давомида хато қилади, қорқилади. Лекин бу аёлнинг қалби шунчалар мажруҳ экани, ўз боласини сотиб, манфаат кўришга жазм этди.

Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар суди ҳайъати дастлабки тергов жараёнида тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш бўйича далиллар билан танишиб, одил ҳукм чиқарди. Суд Роза Оринбоевани айбига тўлиқ иқрорлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, оилавий шароитини инобатга олиб, унга нисбатан жазони шартли ҳисоблаб, уч йил синов муддати белгилади.

Биз инсонийлик тамойиллари устувор мамлакатда яшаймиш. Қоқилганини суяш, хато қилганга кечиримли бўлиб, тўғри йўлни топиб олишга ёрдам бериш қонуларимизда белгилаб қўйилган. Ўзига кўрсатилган мурувватдан тўғри хулоса чиқариш эса энди Розанинг виждонига хавола.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Фарзандликка бола олмоқчи бўлган Жамила ва Қобил бунинг учун қонунга биноан тегишли муассасаларга мурожаат қилиш ўрнига, ўз хатти-ҳаракатлари билан юқоридекаги каби жиноят содир этилишига сабабчи бўлишди.

Хулоса шуки, қонун олдига ҳамма тенг, унга бўйсунмай, четлаб ўтмоқчи бўлганлар фақат ўзларига жабр қиладилар, эл-юрт олдига юзлари шувут бўлади. Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА.

XXI Ва ДУНЁ

«ОЛИМПИАДА – 2012» ШАҲАРЧАСИ ОЧИЛДИ

Лондоннинг Стратфорд туманида "Олимпиада – 2012" шаҳарчаси очилди. Майдон ўттиз олти гектарга тенг ушбу ҳудудда уч минг хонадондан иборат ўн битта кўп қаватли турар-жай биноси барпо этилган.

Маълумотларга қараганда, Олимпия уйинлари давомида бу ерда дунёнинг 205 мамлакатидан вакиллар – ўн олти минг нафар спортчи ва делегация аъзолари истиқомат қилади. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Олимпиада уйинлари якунланганидан сўнг ушбу шаҳарча турар-жай мажмуасига айлантирилади. Биноларнинг муайян қисмида соғломлаштириш ва таълим марказлари жойлашади.

АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Хитой автомобил ишлаб чиқарувчилари уюшмасининг маълумотларига қўра, мамлакатда жорий йилнинг июнь ойида автомобил сотиш ҳажми 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 22,6 фойз ошиб, 1,28 миллионни ташкил этган.

Бу автомобилга талаб тобора ошиб бораётгани билан боғлиқдир. Уюшма вакилларининг сўзларига қўра, Хитойда ўтган йили жами 18,5 миллион дона автомобиль ишлаб чиқарилган. Экспертларнинг сўзларига қўра, жорий йилда ушбу кўрсаткич 5-10 фойз ошиши мумкин.

ГАМБУРГДА ЧЕКИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Германиянинг Гамбург шаҳрида жорий йилнинг 1 сентябридан чекишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун кучга кирди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Энди жамоат жойларида чекиш қатъиян ман этилади, тамаки маҳсулотлари савдоси қучли назоратга олинади.

Чекувчилар учун рестороан, меҳмонхона ва бекатларда атроф-муҳитга зарар etkazмайдиغان махсус чекиш хоналари ташкил этилади.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, қонунбузарларга катта миқдорда жарима солинади. Қонун ижросининг таъминлини полиция ва соғлиқни сақлаш вазирилик ходимлари назорат қилиб боради.

ЭНГ КАТТА ОЛМОС

Австралиянинг тош-кон саноати соҳасига ихтисослашган "Rio Tinto" компанияси мутахассислари томонидан 12,76 каратли пушти олмос топилди.

Хабарларга қараганда, Кимберли туманидаги Аргайл қонидан топилган ушбу "Argyle Pink Jubilee" олмоси мамлакатда топилган энг катта олмос ҳисобланади. Унинг баҳоси ҳозирча сир тутилмоқда. Хабарларга қараганда, шунга ўхшаш топилма – 24 каратли "Williamson Pink" олмоси Танзанияда 1947 йилда қайд этилган. Ушбу олмос Буюк Британия Кириличаси Елизавета иккинчига унинг тўйи куни ҳадя қилинган.

«NOKIA» МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ ПАСАЙИҚА

Финляндиянинг мобил телефонлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Nokia" компаниясида жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми 19 фойз, маҳсулот сотиш ҳажми эса 34 фойз камайди.

Экспертларнинг фикрича, бу ҳолат жаҳонда давом этаётган молиявий танглиқ тўғрисидаги компания маҳсулотларига бўлган талаб кескин пасайиши билан боғлиқ. Оммавий ахборот воситаларининг тарқатган хабарларига қўра, 2013 йилнинг охирига бориб мобил телефонлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда турувчи маъзур компаниянинг ўн мингдан зиёд ходими ишдан бўшатилди.

ИШ ҲУНАРЛАРИ ҚИСКАРАДИ

Германиянинг "Deutsche Bank" и яқин кунларда мингта иш ўрнини қисқарттириш ниятида. "Handelsblatt" газетасининг ёзишича, бунинг асосий сабаби, Европа минтақасида давом этаётган оғир глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларидир.

Маълумотларга қараганда, минтақадаги энг йирик ва етакчи банклардан бўлган маъзур муассасада саксон мингдан зиёд киши ишлайди.

Шунингдек, молия бозоридаги беқарор вазият тўғрисида Швейцариянинг "Credit Suisse" ва "UBS" ҳамда АКШнинг "Goldman Sachs" банклари ўз ходимлари сафини қисқартирмоқчи.

МЕЪЁРНИ УНУТМАНГ!

Тайванда 40 соат интернетда ўйин ўйнаган 18 ёшли ўспирин оламдан ўтди. Хабарларга қўра, Чуанг исмли бу йигит ўйинга шу қадар берилиб кетганидан хато оқватланиш, ухлаш ва бошқа ишларни ҳам унутган.

Оқибатда 40 соатлик бетўхтон ўйиндан сўнг ҳушини йўқотган. Шифохонага келтирилган Чуанг кўп ўтмай ҳаётдан кўз юмган. Мутахассислар компьютер қаршида хаддан зиёд кўп ўтириш соғлиқ учун хавфли эканини ва инсон руҳиятига салбий таъсир кўрсатишини тобора кўп таъкидламоқда. Шу боис бу жараёнда меъёрни сақлаш назорат қилиб бориш лозимлиги тасвир этилмоқда.

Маълумот ўрнида шунинг айтиш жоизки, Тайванда бундан бир неча ой олдин компьютерда 23 соат узлуксиз ўйин ўйнаган бир киши ҳам юрак хуружидан бандилики бажо келтирган эди.

ОДАМИЙЛИК

МЕВАЛИ ДАРАХТ

Гўзалнинг уйда бир мевали дарахт ўсарди. У хар йили гўж-гўж мева беради. Бу мевалардан катта-ю кичик, ёшу қари бирдек баҳраманд бўлар эди. Кўча юзига яқин бу дарахтнинг мевасидан барча татиб кўрган. Шундай мазали эдики, еб тўймайсиз. Гўзал ҳам бу меваларни барчага улашарди. Бир кун қандайдир болалар унга тош отишди. У қучли дарахт бўлганлиги сабабли ҳеч нима қилмади. Кейинги сафар "ғаламислар" унга кўпчилик бўлиб тош отишди, дарахтнинг қадди озгина букилди, бунинг кўриб айрим кимсалар унга ачинсалар, айримлар эса кўриб кўрмасликка олди. Мевали дарахт ёнида ёш ни-

ҳоллар ҳам бор эди. Тош энди ёш ниҳолларга ҳам отилди. Меҳрибон, саҳий дарахт уларни ўз бағрига олди. Ниҳолларга зиён етмади, аммо дарахт анча эгилиб, ер бағрига қараб қулаётгандек бўлиб қолди. Лекин дарахт ҳали одамларга ширин-шакар мева бериши мумкинлигини ўйлаб, кураша бошлади. Ҳалиги "ғаламислар" эса тош отаверишар, одамлар бунинг бир четда томошабин каби кузатишарди. Лекин дарахт ҳали оёққа туриб, шу одамларга ҳам мева беришини ўйлашмайди. Меҳрибон дарахт хар кунни шуни ўйлаб қад ростламоқда эди.

Дилсора АБДУСАТТОРОВА.

БИЛАСИЗМИ?

«НАФРАТ ТЕЛЕФОН ЛИНИЯСИ»


Германияда дунёда биринчи "нафрат телефон линияси" очилди. Хабарларга қўра, истаган киши ушбу тармоққа кўнгириқ қилиб, хоҳлагани бақриши ва уришиши мумкин. Бундай антиқа хизматнинг дақиқаси – 1 евро 49 цент.

Гоя муаллифлари Ральф Шульте ва Александр Бранденбургнинг сўзларига қўра, хар қандай киши баъзан юрагидаги салбий туйғуларини чиқариб ташлаши зарур. Янги кашф этилган телефон тармоғи бу борада жуда қўл келади.

Хабарларга қараганда, "нафрат телефон линияси" ташкилотчилари "газаб оти"га минган мижозлари учун жанг майдонидидаги субатдош ролни ижро этадилар ва уларнинг барча ҳақоратларини сабр билан тинглайдилар. Экспертларнинг айтишича, ушбу хизмат асабий кишилар ховуридан тушишида ёрдам беради.

ЎЗА.

РАССОМ ХАНДАСИ



– Дада... Иштихонлардан муаммосиз ўтасан, ҳаммаси келишилган деган эдингиз. Аммо менга 2 баҳодан бошқасини раво кўришмади.

caricatura.ru

БУ – ҚИЗИҚ

МАНА, СЕНГА БОЛА! МАНА, СЕНГА ИСМ!

Таиландлик Дуангчанок Вангвितхаясакун бир йўлда олти эгизакни дунёга келтирди. Бу ҳақда мамлакат оммавий ахборот воситалари хабар тарқатди. Узоқ йиллар фарзанд кўра олманган Вангвитхаясакун бирданга 3 ўғил ва 3 қизлик бўлишди. Энг жабланарлики шундаки, бу жуфтлик ўз фарзандларига 6 русумдаги автомобил номларини қўйган. Гудакларнинг исмлари – Фольксваген, Фиат, Порше, Ауди, Мини ва Форчун (Тойота).

ЎЗА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар: 233-12-83, 233-48-08. Шартнома ва эълонлар: 236-55-54. Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Ирода НОРБЕКОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ